

## Қибрай туманидаги бир нечта масжидларда янги тайинловлар бўлиб ўтди



18:05 / 03 апрель 854

Масжид имом-хатибларига қулай шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг яшаш манзиллари билан ишхоналари орасидаги масофага эътибор қаратиш самарали меҳнат қилиш учун замин яратади.

Бугун Қибрай туманидаги бир нечта масжидларда ротация бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов ҳамда Қибрай тумани бош имоми Миродил домла Миржалилов ҳудуддаги масжидларга ташриф буюриб, янги тайинланган имомларни жамоатга таништирадилар.

Шу пайтгача Қибрай туманидаги «Саъдулла ота- жоме масжиди имом-хатиби бўлиб ишлаб келган Акбар домла Абраев тумандаги «Байтқўрғон» жоме масжидига имом ноиби лавозимига ўтказилди.

«Байтқўрғон» масжиди имом ноиби бўлиб ишлаб келган Муҳаммад домла Шарипов масжид имом-хатиби лавозимига тайинланди.

«Байтқўрғон» масжиди имоми бўлиб ишлаб келган Абдусаммад домла Жабборов тумандаги «Саъдулла ота» масжидига имом бўлди.

Тумандаги «Дадамухаммад ҳожи Фирдавс» масжиди имом-хатиби бўлиб ишлаб келган Хайрулла домла Абидов шу масжид имом ноиби лавозимига тайинланди.

Тошкент тумани «Ҳожи ота» масжиди имом ноиби бўлиб ишлаб келган Худойқул домла Рўзанов Қибрай туманидаги «Дадамуҳаммад ҳожи Фирдавс» масжиди имом-хатиби лавозимига тайинланди.

Аллоҳ таоло янги тайинловларни хайрли қилсин, имом-домлалар ва ноибларнинг ишларига муваффақиятлар ато этсин.

**Тошкент вилояти вакиллиги**  
**Матбуот хизмати**